

Кореяда ҳалол таомлар ҳафталиги ўтказилади



11:00 / 26.08.2021 1587

Корея сайёҳлик ташкилоти мусулмон зиёратчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида, ҳар йили ўтказиладиган «Корея ҳалол ресторани 2021» ҳафталигини ўтказди.

2015 йилдан буён ҳар йили ўтказиладиган «Ҳалол ресторан ҳафталиги» Ким томонидан ташкиллаштирилади. Тадбирнинг асосий мақсади Кореядаги ҳалол ресторанларни зиёратчи мусулмон сайёҳлар орасида оммалаштиришдан иборат. Пандемия сабаб бу йилги тадбир бутун дунё бўйлаб YouTube ва TikTok орқали тўғридан-тўғри узатилади ва 1 сентябрдан 31 октябргача ушбу тадбир давом этади.

Ким тадбирни Halal TV деб номланган бир қатор видеолар орқали ўтказишни режалаштирмоқда. Унда асосий эътибор Кореядаги ҳалол таомларни ўрганишга қаратилган. Корея мусулмонлари федерацияси (КМФ) маълумотларига кўра, Жанубий Кореяда 120-130 минг мусулмон истиқомат қилади.